ТААССУФ

## ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИГАН БОЙЛИК

Ўсмир ўртоғини турткилади:

-- Кино кўрмаймизми, қара «50 долларлик соҳибжамол» деб ёзиб қўйибди.

У кинотеатр олдидаги ўтган-кетганни ўзига қаратиб турган эълонларга кўз югуртирди. Ярим яланғоч аёлнинг сурати остидаги ҳар бири ўқлоғдай-ўқлоғдай ҳарфларни қизиқсиниб ўқиди. Кейин ўртоғига юзланди:

-- Эротика дегани нима ўзи?

-- Билмасам, биронта артистнинг номидир-да.

-- «Фақат катталар учун» деб ёзиб қўйишибди-ку, -- ҳафсаласи пир бўлди болакайнинг, -- овора бўлма, бизни ичкарига киритишмайди.

-- Нималар деяпсан? Уларга пул бўлса бўлди. Қани кетдик...

У ёғини биз гапирмаганимиз, сиз эшитмаганингиз маъқул. Лекин шуни очиқ айтиш керакки, Балиқчи туманининг қоқ марказида жойлашган кинотеатрда халқимиз урф-одати, ахлоқ-одоби, ор-номуси, иффатига мутлақо ёт бўлган «50 долларлик соҳибжамол», «Ўлим микроблари» каби беҳаё киноларни очиқдан-очиқ намойиш қилиш одат тусига кириб қолди. Киночилар ювуқсиз эркак-аёллар ишқий саргузаштлари, инсонийликдан йироқ беномусликлари тасвирланган ўнлаб ленталарни катта экран орқали уялмай-нетмай, ҳазар қилмай ўз ҳамқишлоқларига демакки, ака-укаларига-ю, ёр-биродарларига пулламоқдалар. Бундай аянчли, тоқат қилиб бўлмас манзарани Андижон шаҳрининг қоқ марказидаги Аббос Бакиров (!) номли, «Шарқ» кинотеатрларида ҳам учратиш мумкин.

-- Бу ердаги мавжуд бешта томоша залида ҳар куни маза-матрасиз томошалар кўрсатилаётганидан яхши хабардормиз. Хўш, ўзингиз бундай аҳволга қандай баҳо берасиз? -- дея сўрадик Аббос Бакиров номли кинотеатр раҳбари Обиджон Жаҳонгировдан.

-- Биқинимда оғриқ туриб қолди, ташқарига чиқиб келсам майлими?-- дея юзлари буришиб, кўзлари пирпиради унинг.

Савлатидан от ҳуркадиган, сахти-сумбутидан ерга тушиб кетган нарсасини пул бериб олдиргудай одамнинг сўзларига ишонмай бўладими? Ишондик. Лекин кинолардаги минг бир хил найрангларни кўраверib, кўзи пишиб кетган бу одам ҳозир ғирт ёлғон гапираётгани, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлаётгани сезилиб турарди.

-- Кинохонангиз Чўлпондай буюк, табаррук инсон номи билан аталади, -- сўрадик «Чўлпон» кинохонаси раҳбари Гулжаҳон Иномовадан. -- Бунинг устига, ўзингиз аёл бўлатуриб...

-- Унақа кинолар қўйилмайди бизда.

-- Ҳозиргина кўриб келдик, эълонлар тахтасига «Ниночка» -- фақат катталар учун» деб ёзиб қўйибсиз-ку?

-- У реклама. Одамларни жалб қилиш учун ёзилган.

-- Пул топаман деб кўпчиликни алдаш мумкин экан-да, а?

--...

-- Биздаям беъмани кинолар қўйилмайди,-- деди «Шарқ» кинохонаси бошлиғи Ҳидоятилло Алихонов. -- Ишонмасангиз, ўтган ҳафтада, ойларда қўйилган кинолар рўйхатини олиб келиб кўрсатишим мумкин.

Ҳидоятилло шу кетганича қорасини кўрсатмади.

Кошки эди, ана шу шармсиз манзара биргина Балиқчи тумани ёки Андижон шаҳрининг кинотеатрларида содир этилаётган бўлса. Афсуски, вилоятдаги кўпчилик туманлар, шаҳарларда ҳам зўрлаш, айшу ишрат, босқинчилик каби ярамасликларни тарғиб этувчи фильмлар бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетди.

Республикамизда юксак маънавият учун кураш кўлами кенг ишга айланган, умуминсоний қадриятлар, шарқона урф-одатлар, ўзбекона ор-номус, иффат, ғурур ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келаётган бир пайтда вилоят киночилари тепасида турган мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари қачонгача бундай ҳолни кўриб кўрмасликка оладилар? Наҳотки, улар вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ҳар ойнинг охирги жума куни «Маънавият кунлари» деб эълон қилинганидан бехабар бўлишса? Андижондаги деярли барча ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари шанбалик ўтказиб, тушган пулни Маънавият марказига тақдим этишаётган бир пайтда маза-матрасиз кинолар билан кишилар, айниқса, ёшлар онгини заҳарлашга уринаётганларнинг номуносиб ишларини қандай баҳолаш керак?

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

SPORT

## РОССИЯ КУБОГИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



Волгоградда ногиронлар ўртасида футбол бўйича «Рождество кубоги» учун анъанавий еттинчи халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда МДҲ мамлакатларидан 14 та кучли команда иштирок этди. Мусобақада Ўзбекистоннинг «Байналминал» командаси футболчилари биринчи ўринни эгаллади. Команда бундай мусобақаларда учинчи марта ғолиб чиққани учун кубок энди Ўзбекистонда доимий қолади. У Ўзбекистон Олимпия шарафи музейида сақланади.

Мусобақада футболчиларимиз дарвозаларидан биронта ҳам тўп ўтказмай, ишонч билан финалга чиқди. Финалда энг машҳур жамоа -- Москванинг «Спартак» командаси билан бўлган учрашувда ҳам «Байналминал» 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

**(ЎзА).**

SPORT


НАВРЎЗ
АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

"Ўзавтосаноат" —

Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси Наврўз байрами муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади.

Шарқ халқларининг йил ҳисоби бўйича ушбу кундан бошланадиган янги йилда уларга бахт-саодат, соғлик-омонлик, ишларида ривож тилайди.

Баҳорий кайфият
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

"Ўзавтосаноат".



НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ БИРОДАРЛАР!




**Barakat Co. Ltd.**




ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ БАҲОР БАЙРАМИ - НАВРЎЗ
БИЛАН ТАБРИКЛАШ ШАРАФИГА МУЯССАР
ЭКАНЛИГИДАН МАМНУНДИР!

*Ҳаммага тинчлик ва хотиржамлик, бахту саодат, келажаги буюк Ўзбекистон давлатининг янада гуллаб-яшнашида улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

*Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин, янги йил баракали ва хайрли бўлсин.*

*Илоё, қалбингиздан ушбу айём шуъласи ҳеч қачон сўнмасин.*

ЮРТИНГИЗДАН БАРАКА АРИМАСИН!

**БАРАКАТ КО. ЛТД.**





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0157 46.149 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6